



ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI

MATNSHUNOSLIK VA ADABIY MANBASHUNOSLIK
KAFEDRASI

**“ADABIY MANBASHUNOSLIK
VA MATNSHUNOSLIKNING
DOLZARB MUAMMOLARI”**

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA
ILMIY-AMALIY ANJUMANI MATERIALLARI

TOSHKENT SHAHRI
9-NOYABR 2022-YIL



ALISHER NAVOIY
NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**MATNSHUNOSLIK VA ADABIY MANBASHUNOSLIK
KAFEDRASI**

**“ADABIY MANBASHUNOSLIK VA
MATNSHUNOSLIKNING
DOLZARB MUAMMOLARI”
MAVZUSIDAGI
RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY
ANJUMANI MATERIALLARI**

**TOSHKENT SHAHRI
9-NOYABR 2022-YIL**



XIX - XX BOŞLARI XIVA ADABIY MUᖂTIDA DEVONCHILIK

Умарова Соҳиба Закировна

Алишер Навоий номидаги

ўзбек тили ва адабиёти университети, PhD.

sohibahon@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада XIX - XX аср бошларида Хивада Муҳаммад Раҳимхон II Феруз замонида юзага келган адабий муҳит ва унда ижод қилган шоирлар, девончилик анъанасининг ривожланиши, мухаммаслар яратилиши хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Хоразм, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, адабий муҳит, шоирлар, Султоний, Саъдий, девон, девончилик, ғазал, мухаммас, назира, татаббуъ.

Кириш. Хуросон маданият, маърифат, санъат марказларидан бири бўлиб, Ҳирот адабий мактабининг ҳомийси, асосчиси Алишер Навоий эди. Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидаги соқийномасида Ҳирот адабий муҳитини шундай гавдалантиради:

*“Соқие, дўстлуге кўргузгил,
Дўстга не қадаҳе еткузгил.
Ким, кирар дўстларим ёдимга,
Ўт солур хотири ношодимга.
Чектилар барча жамол узра ниқоб,
Уйлаким, меҳр жамолига саҳоб.
Бириси пири Муаммойи эди
Ким, ҳарам бодия паймойи эди.
Яна бири нағмазани соҳиби ҳол,
Ҳам анинг ҳамқадами Хожжа Камол.
Мир Садр ўзни тутуб аҳли вифоқ,
Лек кўп эрди бадиънда нифоқ.
Яна бир олими Сабзо(во)рий эди
Ким, маоний дурри гуфтори эди.
Ҳар бири ўз таврида бешибҳу назир
Бордилар барча – не айлай тадбир.
Бўлайин ёдлари бирлан маст,
Яна то кимсага бўлмай побаст.
Бириси Мир Атойи янглиг,
Бири дарвиш Фанойи янглиг...”¹²⁵.*

Ҳирот адабий мактаби туркий халқлар адабиётининг олтин саҳифаларини яратди. Бунда Ҳусайн Бойқаронинг хизмати катта бўлди. Олий мажлис деб аталган алоҳида ўтиришлар айнан Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан бошқарилиб, Ҳусайний шоҳ ва шоир сифатида

¹²⁵Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. Мукаммал асарлар тўплами. 6 жилд. – Т.: Фан, 1990. – Б. 515-516.



адабиёт, санъат ривожига катта аҳамият қаратган. “Ҳайрат ул-аброр” асаридаги Марвийга ишора этган “Золи зар ва Шоҳ Ғозий ҳикояти” ҳам бежизга киритилмаган. Умуман, теурийлар даври маданий ҳаёти ва Ҳирот адабий муҳити ҳақида махсус тадқиқотларда қимматли маълумотлар берилган¹²⁶.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳусайн Бойқаро замонидаги олим, фозил ва шоирлар ҳақида гапириб, уларнинг саромади Мавлоно Абдурахмон Жомий, шунингдек, Шайхим Суҳайлий, Ҳусайн Али Туфайлий, Осафий, Биноий, Сайфи Бухорий ва бошқалар ҳақида тўхталиб, шундай таърифни беради: “Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажиб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳирий шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолга тегургай”¹²⁷. Ҳирот адабий мактаби кейинги давр учун ҳам ибрат бўлди. Жумладан, Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асаридаги Убайдий зикри бобида ўқиймиз: “Шеър ва девонлари арабий, форсий ва туркийда айтибдурлар, ҳоло бор. Илми мусиқийга кўшиш айлар эрди. Алғараз, подшоҳ эрдик, жами сифатларда баркамол эрди. Анинг тириклик вақтида Бухородаги фузало ва булағолар, халойиқ ва алойиқ Ҳиротдин – Мирзо Ҳусайн замонасидин ёд берур эрди”¹²⁸. Парчадан маълум бўладики, Бухоро хони шоир Абулғозий Убайдуллоҳ Баҳодирхон ибн Маҳмуд Султон каби ҳукмдорлар давлатнинг ижтимоий, маданий ҳаётига эътибор қаратиш ва шоирлар даврасини ташкил этишни Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлигидаги Олий мажлисга монанд тарзда олиб боришга интиланлар. Хоннинг амри билан шоир Аҳмад Табибий томонидан 1908 йили яратилган «Мажмуатуш-шуаро» («Шоирлар тўплами») шеърий (маснавий йўлида) бўлиб, 1638 саҳифадан иборат эди. Кўкун хони Амир Умархоннинг 1821 йилда туздирган «Мажмуаи шоирон»ини эсга туширувчи бу китоб «Мажмуатуш-шуаройи Ферузшоҳий» номи билан танилди. Ундаги матнларнинг аксарияти ўзбек тилида эди.

Асосий қисм. Хоразмда, хусусан, XIX - XX аср бошларида Хивада Муҳаммад Раҳимхон II Феруз замонида кўплаб шоирлар ижод этишган ва уларнинг девонларига тартиб берилган. Шоир ва тарихчи Баёний Хоразм адабий муҳитида девончилик анъанасининг ривож олганига хоннинг ўзи раҳнамолик қилганлигини ёзади. Хивада Комил Хоразмий (1825-1899), Муҳаммадрасул Мирзо (1840-1922), Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1844-1910), Аҳмад Табибий (1869-1911), Муҳаммад Юсуф Баёний (1840-1923), Илёс Мулла Муҳаммад ўғли Сўфи (1860-1916), Мутриб Хонахаробий (1870-1925), Муҳаммад Юсуф Чоқар (1872-1951), Аваз Ўтар ўғли (1884-1919), Абдураззоқ Фақирий (1884-1925), Сафо Муғанний (1882-1938), Комилжон Девоний (1887-1938) каби йирик шоирлар яшаб ижод

¹²⁶Қаранг: Бертельс Е.Э. Наваи и Джами. – Москва: Наука, 1965; Шодиев Э. Навоий ва ёш тожик адиблари. – Ленинобод: С.М.Киров номидаги Ленинобод давлат университети, 1969; Афсаҳзод, А. Ҷомӣ – адиб ва мутафаккир. – Душанбе: Ирфон, 1989; Charles, F. Persian poetry in the Timurid period. – Californian: University of Californian, 1989; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т.: “Akademnashr”, 2011.

¹²⁷ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: “Юлдузча” нашриёти, 1989. – Б. 159-160.

¹²⁸ Ҳомидий, Ҳ. Даҳолар давраси. – Т.: Ўқитувчи, 2011. – Б. 234.



этишган. Ҳожимурод Лаффасий (1880-1945) бўлиб, «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» асарида хоразмлик 51 шоир ҳақида маълумот беради. Муҳаммад Юсуф Баёний (1840-1923) Хоразм адабий муҳитининг кўзга кўринган вакилларида бўлиб, Хиванинг 1804-1806 йиллардаги хони Элтузархоннинг чевараси эди. Муҳаммад Юсуф ёшлигидан юксак тарбия топди, шеърга, илмга, мусиқага кўнгил қўйди. Истеъдодли шоир, муаррих, мутаржим, муғанний ва мусиқа билимдони бўлиб етишди. Замондошлари Аҳмад Табибий, Лаффасий ўз тазкираларида унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берадилар. Унинг шахсини ҳам, истеъдодини ҳам юксак баҳолайдилар. Баёнийдан бир шеърий девон, «Шажарайи Хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи» китоблари ҳамда 4 таржима асари қолган. Девони XIX асрнинг 60-йилларидан 1905 йилгача бўлган шеърларини қамраб олади. Шоирнинг 1905-1923 йилларда ёзган шеърий асарлари намуналари ўша давр вақтли матбуотида учрайди. Баёний «Шажарайи. Хоразмшоҳий» асарида шоирлар ҳақида шундай келтиради: «Хон ҳазратлари ҳафтада икки кун: жума ва душанба оқшомларида уламо билан суҳбат тузуб, китобхонлик этдурур эрдилар. Андоғким, Юсуфхожи охунд ва Исмоилхўжа охунд ва Худойберган охунд ва олиму улум маъкул ва манкулда Мулло Муҳаммадрасул ва фақири ҳақир мажлиси ҳумоюнлариға ҳаф-тада икки мартаба ҳозир бўлуб, китобхонлик этар эрдук. Гоҳо домла Муҳаммадрасул била икковимиз кириб, суҳбати ҳумоюнларида китобхонлик бўлур эрди ва сипоҳийлар ва тўраларни ҳам китобхонлик этарга тарғиб этар эрдилар. Бас, ҳамма китобхон бўлдилар». Шоҳ ва шоир Феруз шоирликнинг мақомини баланд тутуди, унинг атрофидаги амалдорларидан, ака-ука қариндошларигача шеър ёзишга ундайди ва Султоний, Саъдий, Ғозий ва Асъад каби шахзода шоирлар етишиб чиқади. Хоразм адабий муҳитида девончилик, хусусан, шахзода шоирлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар Лаффасийнинг «Тазкираи Шуаро», Баёнийнинг «Ҳафт шуаро», Бобожон Тарроҳнинг «Хоразм навозандалари» каби тазкира ва эсталикларда учрайди. Ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб эса айрим мақолаларда Султоний, Саъдийларнинг ижоди ҳақидаги қарашлар баён этилган. Жумладан, В.Абдуллаевнинг «Навоийга ижодий издошлик мезони ҳақида», Н.Қобиловнинг «XIX асрнинг охири XX аср бошларида Хоразмда маданий ва адабий ҳаёт» мақолаларида айрим таҳлиллар берилган. Истиқлолдан кейин илмий тафаккурда янгиланишлар кузатилади. Хоразм адабий муҳити, сарой шоирлари ижоди хусусида холис ёндашувлар юзага келди. Н.Жўмахўжа, Ш.Матрасулов, Г.Исмаилова, И.Адилова каби адабиётшуносларнинг илмий қарашлари бу борада алоҳида эътиборга моликдир. И.Ҳажиевнинг «Ҳафт шуаро» мажмуасининг Хоразм адабий муҳитидаги ўрни» мавзусидаги тадқиқот ишида сарой шоирларидан Султоний, Содик, Саъдий ва Оқил ижодидан намуналар таҳлилга тортилган. Маълум бўладикки, юқорида келтирилган ишларда Хоразм адабий муҳитида девончилик анъанаси, хусусан, Султоний, Саъдий, Ғозий ва Асаъадлар девонларни махсус матний тадқиқ ва таҳлил этиш мақсади қўйилмаган. Шунинг учун Хоразм адабий муҳитида девончиликни манбалар асосида ўрганиш адабиётимиз тарихини янада бойитади.

Натижалар ва муҳокамалар. «Ҳафт шуаро» тазкирасида Султоний, Содик, Саъдий ва Оқил каби шоирларнинг шеърларидан намуналар жамланган. Бундан ташқари Султоний, Саъдий,



Гозий ва Асъад каби шаҳзода шоирларнинг девон тартиб берганлари маълум бўлади. Бобожон Тарроҳ Ходимнинг “Хоразм шоир ва навозандалари” китобидан маълум бўладики, шоир Султонийнинг асли исми Носир тўра бўлиб, Муҳаммадёр тўранинг ўғли, Муҳаммадёр тўра Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг иккинчи ўғли бўлган¹²⁹. Султоний эски мактабни битирган, шоирликда асосан Баёнийдан дарслар олган. Султоний девон тартиб берган, унинг девонида 373 та ғазал, 1 тадан мустаҳзод, мураббаъ, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, таржеъбанд, маснавий, рубоий, муаммо ва қасидалар жамланган. Султонийнинг девони 1910 йили Болтаниёз Харрот – Надим томонидан кўчирилган.

Саъдуллоҳ Тўра Саъдий Хиванинг сўнгги хони Саид Абдуллахон (1918-1920)нинг ўғли бўлиб, бобоси Муҳаммад Раҳимхон II Феруз саройида ўсиб улғайди. Саъдуллоҳ Тўра Хивадаги Арабхон мадрасасида таҳсил олади. У ёшлигидан адабиётга қизиқади. Баёний унга шоирликда сабоқ беради. Саъдуллоҳ Тўра 20 ёшидан бошлаб ғазаллар ёзгани маълум бўлади. Унинг ғазал, рубоий, қасида, мухаммаслари жамланиб, девон тузилган. Саъдуллоҳ Тўра Саъдийнинг девони бир неча марта хаттотлар томонидан кўчирилган ва унинг қўлёзмалари ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади. Саъдуллоҳ Тўра Саъдий шеърини ўзига хослигини Лаффасий шундай баҳолайди: “Саъдийнинг асарлари тамоми бир шўх маъшукона бўлса-да, маъни жиҳатидан ҳар бир дона байти бир гавҳари якто эрди”¹³⁰.

Хулоса. Феруз ташаббуси билан Хоразм девончилик ривож топади. Мутахассисларнинг аниқлашича, XIX асрнинг ўрталарида Хивада юзга яқин шоир девон тартиб берган, албатта, буларнинг ичида шоҳнинг ўзи ҳам бор. Айрим шоирлар зуллисонийн бўлишган ва улар ўзбекча ва форсча девонларига тартиб беришган. Феруз даврида Хоразм адабий муҳитида яратилган девонларнинг аксарияти ўзбек тилида бўлган. Бу девонлардаги баъзи жанрлар, хусусан, ғазаллар, мустаҳзодлар, қасидалар анъанавий бўлиб, бошқа жанрлар эса хилма-хил эди. Девонлардаги анъанавийлик ҳолати яна татаббуъ, мухаммасларда кўринади. Масалан, шу даврда ижод этган саройда табиблик қилган ҳамда шеърятда шуҳрат қозонган Аҳмад ибн Али Муҳаммад – Табибий ўз даврида мухаммас жанрини ривожлантирган. Аҳмад Табибий Шарқ мумтоз адабиёти вакилларининг кўпчилигига мухаммас боғлаган. Табибий ижодини дастлабки тадқиқотчиларидан бири Ф.Ғанихўжаев ёзади: “Табибийнинг туркий мухаммаслари билан бир қаторда унинг форсий мухаммаслари ҳам катта ижод маҳсули ҳисобланади. Бу жиҳатдан Табибийнинг Саъдий, Жомий, Зебуннисо каби моҳир сўз санъаткорлари ғазалларига боғлаган мухаммаслари, айниқса, диққатга сазовордир¹³¹. Табибийнинг форсий девони иккита бўлиб, меросининг умумий ҳажми 15 минг байтга етади. Агар ҳар иккита форсий девонида 225 та тахмис мухаммас мавжуд деб олинса, демак, Табибий салкам шунча шоирнинг ижодини кўрган ва улардан илҳомланиб

¹²⁹Қаранг: Бобожон Тарроҳ Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. – Т.: “Tafakkur qanoti”, 2011. – Б. 40.

¹³⁰Лаффасий. Тазкираи шуаро. – Урганч: Хоразм, 1992. – Б. 36.

¹³¹Ғанихўжаев, Ф. 1978. Аҳмад Табибий(ҳаёти ва ижоди). – Тошкент: Ўзбекистон. – Б. 34.



ғазалларига мухаммаслар битган. Хоразм адабий муҳиtida девончилик анъанасига эътибор қилиб, уларни қуйидагича таснифлаш мумкин бўлади:

1. Машҳур мумтоз шоирлар ғазалларига боғланган мухаммаслар (Навоий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Ғолиб Дехлавий, Хожу Кирмоний, Огаҳий, Мунис кабилар);
2. XVIII-XIX асрларда яшаган ижодкорлар ғазалларига боғланган мухаммаслар (Шавкат Бухорий, Шавқий, Амирий, Ғиёсий, Фазлий Намангоний, Огаҳий, Мунис кабилар);
3. Замондош шоирлари ижодидан илҳомланган мухаммаслар (Феруз, Ожиз Хоразмий, Ниёзий кабилар).

ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 7083-рақамли “Тухфат ус-султон” девони қўлёзмасида келтирилган биринчи мухаммас Ғиёсиддин Ғиёсийнинг 23 байтли ғазалга боғланган 115 мисрадан иборат мухаммас бўлиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад а.с.га наът тарзида ёзилган [“Девони Табибийи форсий”, ديوان طبيبي فارسي].

Бу ҳолат девон тартиб берган бошқа шоирлар, хусусан, Султоний, Саъдий, Ғозий ва Асъадлар ижодига ҳам хосдир. Шу билан бирга девонлардаги мухаммасларида фикр аниқлиги, мисраларнинг равлонлиги, қофиянинг чиройли танланиши, ишораларни ўринли келтириш каби ходисалар яққол кўзга ташланади. Девонларда нисбатан ҳажм жиҳатдан бир мунча йирик мухаммаслар ҳам яратган. Маълум бўладики, Муҳаммад Раҳим II Феруз даврида девончилик ривожланиш шоирларнинг мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодини ўрганиши ҳамда замондошлари билан беллашуви каби ҳолатлар мухаммаслар яратилишига сабаб бўлди. Мухаммаслар ташбеҳ, ийҳом, талмеҳ, тансиқ ас-сифат, иқтибос каби санъатлар такрорланмас ҳолатда танланди ва бу ҳолат шеърдаги мазмунни кучайтириш, янги тафсилотлар билан бойитишни таъминлаган. Бу давр лирикаси ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан мукамал бўлиб, улар мумтоз анъаналар таъсирида ёзилган ва шу билан бирга шоирларнинг ўзига хос ифода усули, бадиий ғоясига эгаллиги кузатилади. Девонлардаги мухаммаслар бадиий маҳорат, халқона нутқ ва туғма қобилият орқали яратилган.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Ғаниева С. Яна “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ҳақида. Жомий ва ўзбек адабиёти. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Т.: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, “Мовароуннаҳр”, 2005. – Б. 27.
2. Иброҳимова Э. Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – № 6.



3. Ҳамроев У., Каримов У. Хива шоирлари тазкирасининг нусхалари // Адабий мерос. – № 4. 1981. – Б.77-80;
4. Лаффасий. Тазкираи шуаро. –Урганч: Хоразм, 1992.
5. Бобожон Тарроҳ Ходим. Хоразм навозандалари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1994.
6. Бобожон Тарроҳ Ходим. Хоразм шоир ва навозандалари. – Т.: “Tafakkur qanoti”, 2011.
7. Жумахўжа Н., Адизова И. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур. – Т.: Фан, 1995.
8. Эркинов А.С., Полвонов Н.Т., Аминов Ҳ.А. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи. – Т.: Янги аср авлоди, 2010.
9. Лаффасий. Гулшани саодат. ЎзР ФА Шарқшунослик институти асосий фонди. 7771-рақамли қўлёзма,
10. Аҳмад Табибий. “Тухфат ус-султон” девони. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 7083-рақамли қўлёзма.